

Исо ат-Термизийнинг “Сунани Термизий” асарида закот масаласи.

Ш.Давлатова ТерДУ катта ўқитувчиси

Инсоният тарихидаги ривожланиш сари интилиш тажрибалари ва сабоқлари маънавий қарашларни авлоддан авлодга мерос қилиб қолдирди. Асрлар силсиласида ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўзлигини англатувчи маънавият дурдоналари шаклланади, уларнинг айримлари давр тўфонлари зарбасига учраб пардалар ортига чекинади. Агар у инсон қалби учун ҳақиқий сарчашма вазифасини ўтай олса ҳар қандай тўсиқ, пардаларни улоқтириб, ёруғликка чиқа олади. Шу ўринда Абу Исо Муҳаммад ат –Термизий фаолияти ва ҳадислар тўплами истиқлол шарофати билан ул зотнинг аجدодлари томонидан қайта тикланганлиги, ўрганилаётганлигини эътироф этиш жоиздир. Имом ал –Бухорийнинг замондоши, етук шогирди Исо ат-Термизий “Сунани Термизий” номи билан машҳур ҳадислар тўпламида халқимизнинг маънавияти, ҳуқуқий меросига оид бир қанча қоидалар ўз ифодасини топган. Асардаги энг охирги ҳадислар сарлавҳаси “Закот боблари” деб номланади ва 38 та ҳадисни ўз ичига олади. “Закот боби”да ҳадисшунос Исо ат –Термизий одамларни сахий, саховатпеша, қўли очик бўлишга давъат этади.

“Закот” арабча атама бўлиб, тозаланиш, садақа бериш маъносини билдиради. Закот мол –мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр –эҳсон. Шариатга мувофиқ муайян бойликка эга бўлган катта ёшдаги мусулмон закот беради. Закот ислом дини руқнларидан бири ҳисобланади. Мазкур манбада: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам закотнома ёздиларва қиличларига боғланган бу закотномани иш кўрувчи волийларига чиқармай туриб вафот этдилар. У зот қазо қилгач, Ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анху) то вафотларига қадар ўша билан амал қилдилар. Ва (Ҳазрати) Умар (розияллоҳу анху) то вафотларига қадар ўша билан амал қилдилар. Ўша

закотномада ушбулар битилган эди: “Беш туяда –бир қўй.Ва ўн туяда икки қўй. Ва ўн беш туяда уч қўй...”¹

Бу фикрлардан шу маълумки, закот бериш қондаси Расулуллоҳ саллолоҳу алайҳи ва саллам томонидан нозил қилинган. Абу Бакр, Умар ҳазратлари унга амал қилганлар. Туялари сони олтмиштадан етмиш бештагача бўлган одам беш яшар бир урғочи туя, агар туялар юз йигирматадан ошса, ҳар элликта туя учун тўрт яшар бир урғочи бўта, ҳар қирқта туя учун икки ёшга тўлиб, уч ёшга ўтган бир урғочи бўтани закот бериш керак бўлган.

Чорвага эга бўлган кишилар учун ушбу манбадакелтирилишича: “Қўйларда эса ҳар қирқта қўйдан юз йигирматага қадар бўлса –икки қўй. Уч юзтадан ошгач, ҳар юз қўйдан бир қўй”²закот бериш тартиби белгиланган. Энг қизиғи агар қўйлар сони уч юзтадан ошиб тўрт юзтага етса закот белгиланмаган, бекор қилинган.

Закот беришдан қўрқиб айри –айри сурувлар бир –бирига қўшиб юборилмаслиги, жамланган сурувлар бир –бирларидан ажратилмаслиги ҳақида ҳам меъёр мавжуд бўлиб, агар сурувлар қўшилса мол эгалари закотни тенг тақсимлаб тўлашлари кераклиги таъкидланади.

Бундан ташқари қоида бўйича: “Қариган ва нуқсони бўлган жониворлар закот сифатида олинмаган”.³

Қорамолга эга бўлган одамлар учун: “Ўттизта сигирда икки ёшга етмаган битта эркак бузоқ ёкитана ва қирқтада –уч ёшга етмаган битта ғунажин закот қилиб берилади ”, ⁴қондаси асосида закот бериш шарт мавжуд бўлган.

Манбадаги закот бериш меъёрларини ўқиб, бир нарсани англаш мумкинки, закот даромади юқори бўлган кишилардан олинган. Жумладан, закотнинг бошланғич меъёри камида беш туяси, қирқта қўйи, ўттизта сигири бор кишилар учун белгиланган. Бу ҳақида китобдаги 8-боб 622-ҳадисда: “

¹Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. I-жилд, Т, Адолат. 1999, 610-611-бетлар.

²Ўша ерда 611-бет.

³Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. I-жилд, Т, Адолат. 1999, 612-бет.

⁴Ўша ерда 613-бет.

Бештадан оз туялар (подаси)да закот йўқ”; беш увқиядан (увқия-1283 граммлик қадимий бир оғирликўлчови. Ҳадисдакирк дирҳамнинг муқобили тарзидақўлланилганлиги қайд этилган) оз (кумуш)да закот йўқ; беш васакдан (бир васак—олтмиш соъ) оз (мева сабзавот ва ғалла) да закот йўқ”, деган қоидалар келтирилган.

Муъоз (розияллоҳу анҳу) Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга мактуб ёзиб, кўкат закоти ҳақида сўрабди, шунда Расули Акрам кўкат – сабзавотда ҳеч нарса, яъни закот йўқлигини айтади. Олтин, кумуш, мис маъданлари ва бошқа маъданлар топилган ҳамда кашф этилган пайтида ҳам ҳеч қандай тўлов ҳақи белгиланмаган.

Ҳадисда келтирилган ривоятга кўра : “Икки хотин Расулуллоҳ саллаллоҳи ҳузурларига келди, қўлларида олтин билагузук бор эди. Шунда Расули Акрам уларга : Бунинг закотини берасизларми ? ” дедилар.Хотинлардан биттаси “ Йўқ” деди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳи алайҳи ва саллам айтдиларки, “ Аллоҳ таоло иккалангизга оловдан иккита билагузук тақдирмоғини хуш кўрасизларми ? ” “Йўқ” дейишди. Расулуллоҳ : “Унда закотини берингизлар ”⁵-дедилар.

Осмон ёмғири, булоқ сувлари, оқар сувлар, ер ости сувлар билан суғорилган экинларда ушр, яъни ҳосилданўндан биринибериш, чиғир билан суғориладиганэкинлар, лалми тартибида суғориладиган экинлар – (буғдой, арпа, мош, нўхат, шолиларга эса ярим ушр закот тўлаш зарур бўлган.

Закот миқдорини белгилашда тахмин, чамалашдан ҳам фойдаланилган. Масалан, хурмо, узум сингари мевалардан закот тўлаш учун ҳукмдор уларга мева ҳосилларидан тахминан шунча хурмоқоқи ёки майиз топширасан, -деб чамалаб берган. Мевалар пишиб, қуритилгач, улардан ушр тўланган.

“Сунани Термизий”да ўз ифодасини топган ҳадисларнинг бирида садақада ҳам чекланган меъёрлар мавжудлиги хусусида : “Садақа (закот) борасида ҳаддан ошган киши закот бермаган кабидир”,⁶дейилган. Закот

⁵ Ўша ерда 624-бет.

⁶Ўша ерда 633-бет.

беришда ҳаддан ошган кишининг гуноҳи закот бермаган киши гуноҳлари билан тенглаштирилади.

Ҳадиснинг 21- боби “ Закот бойлардан олиб камбағалларга қайтарилади” деб номланади ва унда қуйидаги ривоят келтирилади: “ Раслуллоҳ саллоллоҳу алайҳи салламнинг закотчилари бизларга келди ва садақани (закотни) бойларимиздан олиб, фақирларимизга тарқатди. Мен бир етим бола эдим, менга оёқлари узун ёш урғочи туя берди”.⁷ Закотнинг ана шу жиҳати ижтимоий ҳаётдаги кам таъминланган оилаларни қўллаб –қувватлашга қаратилганлигидан далолатдир.

Манбада бой, бақувват, ўрта ҳол кишилар садақа олмоғи жоиз эмаслиги қайд этилади ва улар тиланиши керак эмас, -дея ҳисобланган ҳамда қуйидаги ҳадис келтирилган: “ Тиланмоқ бой ва бақувват, ўрта ҳол киши учун жоиз эмас. Илло ўта қашшоқ ва беҳад оғир қарз остида қолган кишига жоиздир. Кимки мол –давлатини кўпайтирмоқ учун инсонлардан тиланса, бу тиланчилик қиёмат кунида унинг қиёфасида бир тирналган (шилинган)лик аломати бўлур ва у жаҳаннамдан олиб ейдиганқизиган бир тош бўлур. Бас, хоҳлаган киши камайтирсин, хоҳлаган киши кўпайтирсин.”⁸

Булардан ташқари бу ҳуқуқий меросимизда мискинларга ва шунингдек қариндошларга садақа бериш ҳақида фикр юритилиб, мискин кишига берилган садақа – битта садақа эканлиги, қариндошга берилган садақа иккита садақа ҳисобланиши, яъни биттаси –садақа. Биттаси силаи раҳм, -дея тавсифланади.

Исо ат – Термизий бобомиз ҳадис илмида садақанинг фазилати тўғрисида ҳам тўхталиб ўтадилар ва у ҳақида : “ Кимки пок (ҳалол) нарсадан бир садақа қилса, (зотан) Аллоҳ фақат покни қабул этгайдир – Раҳмон (жалла жалалуху) уни албатта “ ўнг қўли” билан олгайдир. Агар ўша садақа хурмо бўлса, у Раҳмоннинг кафтида катталашиб, ҳатто тоғдан ҳам улкан бўлур. Худди сизлардан бирортангиз тойчоғини ёки бузоғини боқиб

⁷Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. I-жилд, Т, Адолат. 1999, 635-бет.

⁸Ўша ерда 638-бет.

улғайтирганлари каби (бўлур),⁹- дейдилар. Демак, садақа фақат ҳалол меҳнат орқали топилган даромаддан берилиши керак, тозалик, поклик билан қилинган садақанигина Оллоҳ қабул қилади. Яна халқимизда шундай гап борки, иқтисодий томондан нажот кутиб, муҳтож бўлиб турган кишига кимки бирни берса, Оллоҳ унга мингни берар экан. “Сунани Термизий”даги садақанинг Раҳмон қўлида катталашиб, хатто хурмонинг тоғдан ҳам улканлашиши одамлар бир –бирларига озгина яхшилик қилсалар, Яратгандан у кўп яхшилик бўлиб қайтишига ишорадир. Меҳмонга борган кишилар мезбоннинг дастурхони устида дуо ўқиб:“ Биз камайтирган(ризқ – насибангизни дейилмоқчи) бўлсак, Оллоҳ тўлдирсин омин”, -дейишади. Бир қорни очнинг қорини тўйдириш, бир муҳтожнинг ҳожатини чиқариш ҳам эзгулик, савоб ҳисобланади.

Маънавий, ҳуқуқий мерос ҳисобланмиш “ Сунани Термизий”да ўз ифодасини топган закот бериш, садақа чиқариш тўғрисидаги қоидалар, қарашларҳозирги ижтимоий турмуш тарзимизда ҳам муҳим аҳамият касб этади, кишиларни меҳр – мурувватли, хайр-саховатли бўлишга ундайди, очкўз, хасис бўлмасликка давъат этади.

Ушбу китобда яна шундай фикр борки: “Набий саллаллоҳу аллайҳи ва саллам Макка (шаҳри) кўчаларига бир жарчи юбордилар: “Диққат! Фитр садақаси, хоҳ эркак, хоҳ аёл, хоҳ озод , хоҳ қул, хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин-ҳар бир мусулмон учун вожибдир! Буғдойдан икки мудд, бошқа таомлар (масаллиқлар) дан бир соъ (берилгайдир!)”¹⁰

Бир мудд соънинг тўртдан бири бўлиб, икки мудд ярим соъ бўлган. Ярим соъ-1,458 кг биринчи эътиборда, иккинчи эътиборда эса 1,667 килограммга тўғри келган.

Демак, фитр садақасини мусулмонлар бир хил ҳуқуқ асосида беришлари зарур бўлган ва у Рамазон ҳайити куни намозга боришдан олдин чиқарилиши кераклиги қайд этилган.

⁹Ўша ерда 245-бет.

¹⁰ Абу Исо Мухаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. I-жилд, Т, Адолат. 1999, 658-бет.

Китобдаги 666-ҳадисда “Аёл эрининг уйидан (эзгу ниятда) садақа берса, унга бундан ажр-савоб теккай ва эрига ҳам шунча, хазинабонга ҳам шунча савоб берилгай. Улардан ҳеч биттасининг ажри ўртоғининг ажр савобидан бир зарра камайтирилмас. Киши ишлаб топгани учун, аёл инфоқ қилгани учун, савоб олур”.¹¹ Мазкур ҳадис орқали уй бекалари- аёллар эрларининг меҳнат қилиб топганларидан яхши, пок ниятда садақа қилсалар, эр ҳам, хотин ҳам бирдай савобга эга бўлади, деган фикрни уқиш мумкин.

Хуллас, истиқлол шарофати билан ўтмиш аجدодларимиздан қолган маънавий –маданий мерос халқимизнинг қадимий маънавияти ва маърифати намуналаридан бири сифатида Абу Исо ат-Термизий томонидан қолдирилган дурдоналар ҳадис илмида, унинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг “Сунани Термизий” номи билан машҳур асарлар тўплами ҳадис илмини янада мукаммаллаштириш, унинг илмий баёнини таҳлил этиш, бу илмни халқ орасида тарғиб этишда асосий ўрин тутмоқда.

¹¹Ўша ерда 656-бет.